

ГИЁХВАНДЛИК ВА НАРКОТИК МОДДАЛАР – ИНСОНИЯТ КУШАНДАСИ

И.А.Ақбаров

Фарғона транспорт прокурори адлия маслаҳатчиси

И.Деҳқонов - капитан

Фарғона транспортда ХТБ ХПГ катта инспектори

Гиёҳвандлик ва наркотик моддалар истемоли инсоният учун энг жиддий ижтимоий ва тиббий муоммолардан бири ҳисобланади. Бу иллат нафақат инсон соғлиғига, балки жамиятнинг иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Гиёҳванд моддалар деганда инсоннинг ақлий ва жисмоний ҳолатига таъсир қиладиган, муваққат равишда эйфория ёки бошқа ўзгаришларни келтириб чиқарадиган моддалар тушунилади. Айни пайтда дунёда уларнинг 20 га яқин турлари тайёрланиб, истеъмол қилинмоқда. Бугунги кунда айниқса ёшлар орасида кенг тарқалаётган синтетик каннабиноидлар, амфетаминлар ва бошқалар замонавий гиёҳвандликнинг энг ҳавфли турларидан ҳисобланади. Бу моддалар кимёвий лабораторияларда ишлаб чиқарилади ва табиий гиёҳвандлик воситалардан анча кучли таъсирга эга. Синтетик моддаларнинг ўзига ҳос хусусиятлари шундан иборатки, улар интернет орқали ёки оддий маҳсулот қиёфасида тарқатилади. Ҳозирги кунда дунёда 300 миллиондан ортиқ одам наркотик моддалар истемол қилади. Уларнинг катта қисмини ёшлар 15-35 ёш оралиғидаги гуруҳга тегишлидир.

Ўзбекистонда эса 7 мингдан ортиқ гиёҳванд шахслар рўйхатга олинган. Давлат томонидан гиёҳвандликка қарши курашиш учун қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан ушбу жинойтларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ёшларни гиёҳванд моддалар таъсиридан химоя қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

- Мактаб ва олий таълим муассасаларида гиёҳвандликнинг зарари ҳақида ўқув дастурлари жорий қилиш, махсус маърузалар, тренинглар ва семинарлар ўтказиш;

- Интернет ва ижтимоий тармоқларда доимий профилактик ахборотларни тарқатиб бориш;

- Ёшларни спорт тўғрисидаги жалб қилиш;

- Ота-оналар учун гиёҳвандликка қарши профилактика бўйича тренинглар ташкил қилиш;

- Ёшлар учун бепул психологик маслаҳат хизматларини ташкил қилиш;

- Стрес ва руҳий қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Бу иллатни йўқ қилиш учун жамиятдаги барча қатламларни бирлаштирувчи чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Фақат шундагина соғлом ва барқарор жамиятни барпо этиш мумкин.